

ОҒАҲИЙ МУҲАММАСЛАРИДА НАВОИЙГА ИЗДОШЛИК

С.Маткаримова – УрДУ доценти

Annotatsiya

Мақолада Огаҳийнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари таҳлилга тортилган. Унда Огаҳий устоз тажрибаларидан фойдаланиб, шеърларига ижодий ёндашган ҳолда уни бадий асар сифатида янада такомиллаштиришга ҳаракат қилганлиги, янгича фикрлаш, бадий санъатларга, лирик образларга янгича жило бера билиш ва уларни ўз даври муаммоларини ифодалашга бўйсундира олишга эришганлиги ҳамда маҳорат бобида етуклик даражасига кўтарилганликлари таҳлиллари асосида очиқ берилган.

Аннотация

В статье анализируется мухаммеса Агахи написанные на основе газелы Алишера Навои. В статье широко обосновывается то что Агахи достиг совершенствовать лирических образов с новыми стилями, обогатить изобразительных средств и изображать свои новые взгляды продолжав мысли наставника и писать высокохудожественное произведение на основе газели Навои.

Annotation

In this article analyzed the mukhammesa of Agakhi written on the basis of Alisher Navoiy gazela. What Agakhi reached widely is proved in article to improve lyrical images with new stilyam, to enrich graphic means and to represent the new views continuing thoughts of the mentor and to write the highly artistic work on the basis of Navoiy gazelles.

Kalit so‘zlar: Огаҳийнинг мухаммаслари, Алишер Навоий ғазаллари, ижодий ёндашиш, бадий асар, такомиллаштириш, янгича фикрлаш, бадий санъатлар, лирик образлар, янгича жило бера билиш, маҳорат.

Ключевые слова: мухаммеса Агахи, газелы Алишера Навои, совершенствовать лирических образов, новый стиль, обогатить изобразительных средств, новые взгляды, продолжать мысли наставника, высокохудожественное произведение, высокое мастерство.

Key words: mukhammeses of Agakhi, Alisher Navoiy gazels, to improve lyrical images, new stily, graphic means, to represent the new views. thoughts of the mentor, the highly artistic work, skill.

Хоразм шоирлари нафақат ўзбек адабиётининг, балки, башариятнинг даҳо ижодкори бўлган ҳазрат Навоийни ўзига устод деб билганлар, ижод маҳсулларидан бевосита ёки билвосита таъсирланганлар. Бу таъсирни хоразмлик нуктадонлар асарларининг мавзу доираси, образлар системаси, фикрни баён этиш манераси, кайфиятини акс эттириш тарзи каби ҳолатларида кузатамиз. Улуғ зотнинг қатор ғазалларига боғланган мухаммаслар эса хоразмлик сўз санъаткорларининг буюк шоирга бўлган ихлоси ифодаси ҳамда устоз мактабидан ўрганиш, шеър ёзишда маҳорат қозониш омилидир. Айни пайтда, Р.Мажидий таъкидлаганларидек, “Мухаммас боғлаш шоир ижодий доирасининг кенгайишига, ўтмишдаги илғор шоирлар ижоди билан қизиқишнинг ошишига, улар қолдирган ижодий традицияни эгаллашга ва уларнинг илғор фикрларини халққа етказишга хизмат қилган”¹. “Ҳеч қаерда мухаммасчиликка берилиш Хоразмдагичалик кўзга ташланмайди”,- деб ёзган эди навоийшунос олим А.Ҳайитметов². В.Мўминова сўзлари билан айтганда, “классик шоирлар мухаммас жанрига ўзларининг энг яхши ғояларини сингдириш билан бирга, бу даврда юз берган воқеа-ҳодисалардан олган ўз таассуротларини ғазалга нисбатан чуқурроқ ифодалаганлар”³. Шунинг ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, “Навоийга мухаммас боғлаш жиддий ва масъулиятли иш. Чунки Навоийга мухаммас боғлаган шоир ўзи кўшган сатрларида Навоий даражасида фикр, мазмун чуқурлигига эришиши, бадиий тасвир соҳасида ҳам унга яқинлашиши керак”⁴. XVII асрда яшаб ижод этган Паҳлавонқули Равнақнинг тўққизта, XVIII асрда яшаган шоир Муҳаммадниёз Нишотийнинг ўн бешта, Роқимнинг йигирма тўққизта, XIX асрда яшаган шоир Муниснинг ўнта, Огаҳийнинг ўттиз учта мухаммаси Навоий ғазалларига тахмис қилинган. Шунингдек, Киромий, Комил Хоразмий,

¹ Мажидий Р. Огаҳий лирикаси. –Тошкент.: “Фан”, 1963. 89-бет.

² Ҳайитметов.А. Адабий мросимиз уфқлари. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1997. 45-бет.

³ В.Мўминова. Аваз Ўтар ўғли// Аваз ва унинг адабий муҳити. - Т.: “Фан”, 1987. - Б.127.

⁴ Т.Аҳмедов. Мунис. – Тошкент.: “Фан”, 1980. 14-бет.

Табибий, Аваз ва бошқа ижодкорларнинг девонларидан ўрин олган мухаммасларнинг асосий қисмини ҳам ҳазрат Навоий ғазалларига боғланганлигини кўрамиз. Улар устоз тажрибаларидан фойдаланиб, шеърларига ижодий ёндашган ҳолда уни бадий асар сифатида янада такомиллаштиришга ҳаракат қилганлар, янгича фикрлаш, бадий санъатларга, лирик образларга янгича жило бера билиш ва уларни ўз даври муаммоларини ифодалашга бўйсундира олишга эришганлар. Уларнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари улуғ шоир ғазалларида ифода этилган фикр ва ҳисларнинг таъб аҳлига ғоят яқин ва илҳомбахш, ҳамдард эканлигини кўрсатади ва уларнинг маҳорат бобида етуклик даражасига кўтаришганликларидан далолат беради.

Огаҳий Навоийнинг асосан фалсафий-ижтимоий мавзудаги ғазалларига мухаммас боғлаган. Олима М.Солаева Огаҳийнинг Навоий ғазалларига боғланган 31 мухаммасдан 25 таси шу мавзудаги шеърлар эканлигини қайд қилиб, ҳазратнинг “Вафони қилди кўб озода ул ой чун жафо айлаб”, “Шўх ики ғизолингни ноз уйқусидин уйғат” ҳамда “Ваҳки, умрим бўлди зоеъ борча эл коми била” бошланмали ғазалларига боғлаган мухаммасларининг айрим бандларини таҳлилга тортади⁵. Огаҳий мусамматларини тадқиқ этган олима Г.Холлиева шоирнинг 33 мухаммаси Навоий ғазаллари асосида майдонга келганлигини ёзади⁶. Огаҳий Навоийнинг “Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулўзор”, “Жамоатики жунун манъини манга қиласиз”, “Мани ман истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас”, “Чарх дард аҳлиға ҳар дам ёғдурур гарди фиروق”, “Десангки дашти фано аҳлиға бўлай ҳамтак”, “Буки, санчибдур бошиға зеб учун дилдор гул”, “Эй кўнгул, ҳижрон кунидур тортиб афғон, йиғлағил”, “Оразингни боғ аро чун кўрди ҳайрон бўлди гул”, “Бўлмиш андоқ мунқатеъ аҳли замондин улфатим”, “Яна не чехраға ўт солди майки, ҳайронман”, “Агар ишқинг ҳавосидин ёғар ҳар жола тош ўлсун”, “Субҳ еткурди сабо гул барги хандон муждасин”, “Ҳамул тоғики толеъ бўлмиш

⁵ Қаранг. Солаева М. Навоий ва Хоразм шоирлари. –Урганч.: “Мураббий”, 1993. 43-бет.

⁶ Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари. –Тошкент.: 2003. 52-бет.

эрди ул куёш ондин”, “Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён”, “Бир қадах май ичмадим сарви гуландомим била”, “Оташин гул гарчи зиннатдур жаҳон бўстониға”, “Не пўя урдим йўлида, не бошим эттим хоки раҳ”, “Ёр ила бир хилват истарманки, ағёр ўлмағай”, “Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти”, “Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай” мисралари билан бошланган ғазалларида ифода этилган ошиқона, орифона ва риндона кайфиятларни чуқур ҳис қилган ҳолда уларга боғлаган мухаммасларида шу маъноларни янада чуқурлаштиради, реал ҳаётга, замона руҳига мослаштиради, реал борлиқни севиш, инсонга берилган қисқача умрни маъноли ўтказиш, инсон кадр-қиммати учун курашиш, фақир ва ғарибларга шафқат ва мурувват кўрсатиш, қаноатли ва камтарин бўлиш каби ғояларни илгари суради. Навоийнинг:

Қасри жоҳингға сипеҳр авжида айвон бўлди тут,

Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут⁷, -

матлаъли ғазалига боғланган мухаммас бу жиҳатдан характерлидир. Унда Огаҳий Навоий фикрларини янада чуқурлаштиради. Дастлабки бандда Огаҳий устознинг “Қасри жоҳингға сипеҳр авжида айвон бўлди тут” мисрасидаги маънога янада аниқлик киритгани ҳолда, ўзи қўшган мисраларга қасри жоҳи сипеҳр авжида айвон бўлган Сулаймон ялавоч образини олиб киради. Чунки, инсоният тарихида курраи Арзда ягона ҳукмдорлик маснади фақат Сулаймон ялавочга берилганки, бу Қуръони каримда ҳам ўз ифодасини топган.

Бандда кимса мулки оламда Сулаймондек бўлса ҳам, тожида лаъли хуршид дурахшон бўлиб порлаб турган бўлса ҳам, саройининг қуббаси Муштарий сайёраси ёки Зухал юлдузига етган, осмон қадар юксак бўлса ҳам, мансаб-мартабасининг қасри фалак авжида айвон бўлса ҳам айна шу фалак офатидан ер билан яксон бўлиши таъкидланади:

Гар жаҳон мулки уза ўзни Сулаймон бўлди тут,

⁷ Навоий Алишер. Тўла асарлар тўплами. –Тошкент.: Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012. 90-бет.

Афсарингга лаъл хуршиди дурахшон бўлди тут,
Боргоҳинг куббаси буржису кайвон бўлди тут,
Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут,
Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут⁸.

Мисраларда инсон нафақат бутун ер юзи, балки бори мавжудотга, хоҳ у паррандаю дарранда бўлсин, хоҳ деу хайли башар бўлсин, хоҳ боди сабо бўлсин, ҳукмронлик узугини қўлга киритганда ҳам, бу подшоҳлик вақтинча эканлиги, яралган нарсаларга охирда яксон бўлиш тақдир қилинган экан, шу қатори қасри жоҳ ҳам абадийлик сифатига эга эмаслиги Сулаймон образи мисолида очиб берилади. Маълумки, Сулаймон алайҳиссаломга Оллоҳ “Ер кўк аросинда не ким яратмиш бор эрса, қамуғини мусаххар қилди”⁹. Мулк вафо қилса, Яратганнинг ҳақ ваъдасига биноан бутун дунё инсу жинси, деу париси, ер ости-усти бойликлари, жонли-жонсиз яралмишлари мусаххар қилиб берилган Сулаймонга вафо қилган бўларди. Ваҳоланки, бундай бўлмади. У ҳам ўттиз икки йил мулк сўраб, олтмиш бир ёшида барчасини бу дунёда қолдириб кетди. Танда жон омонат экан, мол-дунёга боқийлик қайда.

Юз паришонлиғ чекиб жамъияти давлат учун,
Бўлмағунг осуда бир дам тақвию тоат учун,
Кўргузуб тун-кун тараддуд жоҳ ила мукнат учун,
Лаъли руммони тиларсан дамбадам зийнат учун,
Қатра-қатра оғзинг ондин нордек қон бўлди тут.

Юқоридаги банд ҳам олдинги банднинг мантикий давоми тарзида янграйди. Давлат йиғмоқ учун хоҳири юз паришон нафс бандаси Яртувчисига тақвию тоат учун бир дам осуда бўлишга вақту имкон тополмайди. Чунки мансабу бойлик учун тун-кун тараддудда бўлган, бу йўлда тўсиқ бўладиган ҳар қандай жонли ва жонсиз тўсиқларни киприк қоқмай супуриб ташлашдан тоймайдиган, “Вақт - бу пул” шиори остида

⁸ Огаҳий. Тўла асарлар тўплами. Жилд 1. Девон. –Тошкент.: “Мумтоз сўз”, 2014. 315-бет.

⁹ Рабғузий Носуриддин. Қисаси Рабғузий. К.2. –Тошкент.: “Ёзувчи”, 33-бет.

кечани кундузга улаётган, қимматбаҳо асл моллар билан ичу ташини безашга ружу қўйган, “Ал Мисоқ”да Раббига берган ваъдасини унутган, қаён кетаётганини кўрмаётган сўқир қалб ибодат завқи, тақвию тоат хузуридан маҳрум. Бандда бундай кимсалар вақти келиб бу “лаъли руммоний”дан оғзи қатра-қатра қон бўлишидан огоҳлантирилади.

Беқарор ўлуб туну қон ошиқи мажзубдек,
Оҳ тортиб лаҳза-лаҳза бедили манкубдек,
Ҳеч тинмай дамбадам қон йиғлабон Яъқубдек,
Истадинг дунё арусин тушдаги маҳбубдек,
Топмас эргач қон лаълидин пушаймон бўлди тут.

Огаҳий фикрлар занжирини изчил давом эттириб, Навоий байтида ифодааланган тушдаги маҳбубдек дунё арусини истаб, унга етдим деганда лаълидан қон топмай, муроди ҳосил бўлмагач пушаймон бўлган, бевафо дунёнинг ишқида бетиним машаққат чекиб, хоотири паришон, бир осуда қон топмай унга интилаётган кишини “ошиқи мажзуб”, “бедили манкуб” ва тинмай қон ёшлар тўкаётган Яъқубга қиёслайди. Дунё келинини тилаган қимса худди борлигини унутиб, ўзидан кетиб қолганга тушган ошиқ қаби туну қон беқарор: на юриш-туришида, на уйқусида ҳаловат бор, фақат уни ўйлайди, унгатомон талпинади, барча ҳаракатлари фақат унга етишиш учун, бунинг учун ўзини ўтга чўққа уради, бедили манкуб қаби азоблар исқандарига эзилади, руҳий ва жисмоний қийноқларга бардош беради, Яъқуб мисоли шашқатор ёшлар тўқади. Аммо шунча ҳаракатлари азобу йўқотишлари эвазига дунё арусининг лутфу марҳаматига сазовор бўлмайди, алам ва пушаймонлик меваларини теради.

Орзуи нафс ила ўзни қилиб ошуфта ҳол,
Сарф этиб исроф ила сийму зару молу манол,
Кечалар мажлис тузуб бўлмоқ учун ишрат суғол,
Шўхлар қошин тиларсан кўрмоқ андоққим ҳилол,
Жонға етганда кўрунган кўзга пинҳон бўлди тут.

Ушбу банддаги Навоий байтида шўхларнинг ҳилолдек қошини кўришга иштиёқманд у интилаётган шўх жонга етганда кўзга кўруниб яна пинҳон бўлишидан огоҳлантирилади. Огаҳий ана шу шўхларга иштиёқманднинг интизорлик ҳолатини образли тасвирларда чизади. Мисралар мазмунан тадрижийликда давом этади: нафс орзулари чегара билмайди, у кишини янги-янги истаклар сари бошлайверади, ўзига қул қилиб олган танани ошуфта ҳол қилиб, турли кўйга солади, сийму зарни, мол-дунёни хайрли ишларга сарфлаш, эҳтиёжмандларга эҳсон қилишга эмас, ортиқча ҳашам ва одамларга ўз бойлигини кўз-кўз қилиш учун исроф билан сочишга ундайди, кечалар хушвакт, шод бўлмоқ учун шоҳона базмлар асбобини тузишга илҳомлантиради. Буларни оқибати эса Навоий байтида ўз аксини топади.

Мухаммаснинг навбатдаги бандида фикрлар янада кескинлашади, ҳар мисра алоҳида бир ҳукм оҳангида ўқилади:

Хандаи ишрат санга ғам барқини чақмоқдурур,

Фикри давлат бўйнунга ҳасрат ипин тоқмоқдурур,

Шуғли мукнат билгил ўз жонингга ўт ёқмоқдурур.

Кўси давлат етти дўзахга эшик қоқмоқдурур,

Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.

Нега хандаи ишрат кишига ғам барқининг чақмоқи эканлигидан хабар берилади? Огаҳий ушбу ўринда ишрат қаҳқаҳаси киши қалбининг овозини босиб кетиб, уни эшитишга имкон бермаслигини, охир-оқибатда уни ўлдиришини назарда тутади. Ўлган қалб эса ҳеч нимани ҳис қилмайди, яширин хазинаси бўлмиш муҳаббатдан ҳам жудо бўлади, Маъшуқи Азални, Яратувчисини унутади. Унутган эса унутилади. Киши учун бундан-да ортиқроқ дард, бундан улуг ғам йўқ.

Фикри давлат эса киши бўйнига ҳасрат ипини тақади. Чунки давлат тўплаш фикри унга вақтида банда сифатида зиммасидаги фарзларини, фарзанд, ота-она, қариндош, қўшни сифатидаги бурч ва вазифаларини тўла

адо этиш имконини бермайди, фикру зикру мол-дунё билан бўлиб, умр нақдинаси тугаб қолганини сезмай қолади ва охират озиғини ғамлашга улгурмай қолганининг ҳасрати билан оламни тарк этади.

Шуғли мукнат ўз жонига ўт ёқмоқдир, дейди шоир. “Мукнат” арабча “1. Қувват, қудрат. 2. Давлат, бойлик” демакдир [Шамсиев 1972, 410]. Кузатиладики, Огаҳий бойлик тўплаш билан машғул бўлиш ўз жонини азоблаш, қинғир-қийшиқ йўллар билан мол-дунё йиғиш эса жонини хатарга қўйишлигидан, ҳаромдан ҳосил бўлган эт дўзах оловида ёнишидан огоҳлантиради.

Кўси давлат – давлат ноғорасини чалиш, яъни ўзининг мол-давлатига керилиб, кибрга берилиш, ўзини барчадан устун қўйиб, баланддан келиб сўзлаш, давлатнинг зўридан бировларни ҳақорат қилиб, дилларини вайрон қилиш, дўқ-пўписа қилиб ёки турли балоларга гирифтор қилиб, барчани амри итоатида тутишга уриниш айни етти дўзахга эшик қоқмоқ, алал-оқибатда ўзининг ана шу эшиклардан бирига киришлигини таъмин этмоқдир. Магар султонлик ҳам сенга ҳеч қандай имтиёз бера олмайди. Зеро, минг йил ибодати туфайли жаннатга кириб юрган Азозил ҳам кибри туфайли дўзах аҳлидан бўлиб қолди.

Шундан келиб чиқиб, Огаҳий жоҳу жалолат масканини, мансаб-мартабани ҳавас қилмасликка, фақирлик ва қаноат гулшани сайрига жаҳд қилишга, фақирликни улуғ мартаба, қаноатни туганмас бойлик деб билишга, дунё ғамида паришонликка чек қўйишга, хотирга дунё ташвишини йўлатмасликка чақиради. Шоирнинг бу сўзлари Навоийнинг ўзни жамъ қилиш, диққатни, бутун фикрини нафсини танишга қаратишга чорловчи, бунинг акси бўлса, қон ютиб жамлаган олам хазинаси бу дунёдан кўз юмгач паришон бўлиб кетиши, йиғилган бойликларини бўлишиб олиб, сарфлаганлар эмас, мол-дунёни тўплаган киши ҳар бир чақа учун ҳисоб беришидан огоҳлантирувчи сўзлари билан якун топади:

Огаҳий, қилма ҳавас жоҳу жалолат масканин,

Сайр қил жаҳд айлабон, Ҷақру қаноат гулшанин,
Тарк этиб дунё учун эмди паришонлиғ фанин,
Эй Навоий, ўзни жамъ эт йўқса олам махзанин,
Қон ютуб, жамъ айлабон ўлгач паришон бўлди тут.

Юқорида келтирилган бандларда бир-бирига узвий боғланган ва тадрижий ривожга эга фикрларнинг икки шоир қаламига мансублиги мутлақо сезилмайди. Бандлардаги Навоий мисралари Огаҳийга тегишли мисраларда ифодаланган поэтик фикр, тафсилот, тасвирларни якунловчи, хотима сифатида янграйди. Булар Огаҳийнинг мухаммас боғлашда маҳорат касб этганини, ўзи “Таъвиз ул ошиқин” девони дебочасида қайд қилганидек, “базморо” ва “шакаррез мухаммас”лар ижод қилганлигидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, Хоразм шоирлари Навоий ғазалларига мухаммас боғлаш билан улуғ устозга эътиқодини, ғоявий-бадий ворислигини намоён қилдилар. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, “Ўзидан олдинги ёки ўз давридаги бирор шоир ғазалига мухаммас боғлаш шоирнинг ўз салафига бўлган ҳурмати, юксак эътирофи ифодаси бўлиш билан бирга шоир ижодий доирасининг нақадар кенглигини, ижодий анъаналарга муносабатини, зеҳни ва иқтидори савиясини ўлчашда бир мезон ҳамдир”¹⁰.

¹⁰Солаева М. Навоий ва Хоразм шоирлари. –Урганч.: “Мураббий”, 1993. 19-бет.